

THE PLACE OF LANDSCAPE ART IN THE WORKS OF SHUKUR KHOLMIRZAEV

Shirinmoh Turaeva

Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan

2nd grade student

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ АСАРЛАРИДА ПЕЙЗАЖ САНЪТИНИНГ ЎРНИ

Ширинмоҳ Тўраева

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг

2-босқич талабаси

Аннотация: XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири Шуккур Холмирзаев ижоди ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг ижодини камраб олган миллийлик, одамийлик, фалсафийлик каби эзгу ғоялар тамойили беихтиёр китобхонни насрий мушоҳадага чорлайди. Машҳур адиб ҳикоячилигимизда ўзига хос мактаб яратди. Шу билан бирга катта адибни китобхонлар романнавис, қиссанавис, публицист, драматург, адабиётшунос, сифатида ҳам яхши билишади. Шуккур Холмирзаев асарларида унинг яшаган қишлоғи, ундаги одамларнинг ҳаёти бўй кўрсатиб туради ҳамда воқеаликдаги мураккаб ҳаётини жараёнлар ва кишиларнинг зиддиятларидан иборат руҳий оламини чиройли йўсинда кўрсатиб беради. Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига унутилмас ҳисса қўшган атоқли ёзувчи, таниқли давлат ва жамоат арбоби, Шуккур Холмирзаев ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳамда ёзувчининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Шуккур Холмирзаев XX аср ўзбек адабиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшган таниқли ёзувчилардан биридир. У ўзининг юксак бадиий маҳорат билан яратилган бетакрор насри билан ўзбек халқи маънавиятининг юксалишида ўзига хос ўрнига эга. Шуккур Холмирзаев асарларидаги аксарият қаҳрамонлар ўзи туғилиб ўсган тупроқ – Сурхон диёрини одамлари эканларини пайқаймиз. Асар воқеалари содир бўладиган манзил ҳам кўпинча шу воҳа бўлади. Шу диёр қаҳрамонлари тимсолида адиб ўзбек халқининг, ўзбек тупроғининг ўзига хосликларини тараннум этади. Уларнинг қалби, маънавияти, дўстларга янги ҳаётга, ўзгаришларга муносабатини кўзсатишга қаратади. Адиб асарларининг ғоялари бир-бирини тўлдириб боради, тасвирланган қаҳрамонлар ҳаракатидан, табиатидан чиқарилган хулосалар бир-бирини янада бойитади, миллий ўзлчилигимизни турли қирраларини алоҳида характерлар орқали тасвирлаб, халқ қиёфасидаги яхлит қиёфанинг турли жиҳатларини очиқ беради. Шуккур Холмирзаев асарларида инсонларни тўлқинлантира оладиган ҳис-туйғулар мажмуи бор. Уларнинг асарлари инсонларга фақат ўрнатилган бўлиб ҳаётни ўргатади. У худди Ж.Лондон, Э.Хемингуэй, С.Томпсон каби жаҳоннинг машҳур ёзувчилари қаторида табиат мавзусида такрорланмас асарлар яратдики, бу ёзувчи ижодининг яққол кўзга ташланадиган қирраси сифатида

намоён бўлди. Асарларидаги бадиий маҳорати ҳам айнан шунда десак муболаға бўлмайди. Уни пейзаж санъатидан қанчалик устомонлик билан фойдаланганини асарларини ўқиш давомида кўришимиз мумкин. Дарҳақиқат, табиат манзараси ҳақида сўз борар экан, пейзаж санъати ҳақида маълумотга эга бўлишимиз даркор. Пейзаж (франсузча paysage – мамлакат, жой) деган маънони англатади. Адабиётда бадиий сўз воситасидаги табиат тасвири, ифодаси ҳисобланади. Пейзаж ёзувчининг ўз асарида танлаган ифода усули ва ижодий услуби билан боғлиқ ҳолда турлича вазифаларни бажариши мумкин. Табиат манзараси орқали ёзувчи ўзининг юртига, Ватанига, она табиатига бўлган муносабатини ифодалайди. Табиат тасвири сюжетнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, асарнинг ғоявий, эстетик қувватини ошириш, сюжет ривожини тезлатиш ёки секинлаштириш, қаҳрамоннинг ички дунёсини очиш каби вазифаларни бажаради. Бу билан пейзаж бадиий асарда иштирок этувчи персонажларни янада тўлақонли ифодалашга ёрдам беради. Мисол тариқасида Шукур Холмирзаевнинг “Ҳаёт абадий” ҳикоясидаги ушбу парча билан баён қилишимиз мумкин:

“Тонгга яқин шивалаб ёмғир ёға бошлади. Бу илк куз ёмғири эди. Қовжирок кўкатлар-у дарахтларнинг турфа ҳиди атрофга анқиб кетди. Сўнг ёмғир тиниб, ҳаво очилди, унда оппоқ юлдузлар яркираб ёна бошлади. Атроф шу қадар сокин эдики, ҳатто япроқлардан томган томчиларнинг чакиллаши ҳам эшитиларди. Шабада эса бошлади. Атроф салқин, бирданига совуқ тушгандай бўлди” каби сўзлар билан ифодалайди, ёзувчи. Бунини ўқиган китобхон бевосита тасвирланаётган табиат манзарасига тушиб қолади, уни ич-ичидан ҳис қилади. Ёзувчида шунақанги бир рух борки, у инсонни айнан руҳиятига таъсир этади. Балки шунинг учун Шукур Холмирзаевнинг асарларини барча севиб мутолаа қилар. Асарларидаги барча ҳолатларда яъни тасвирланаётган боғлар, тоғлар, ўрмон ёки турмуш ҳаётдаги барча нарсаларни жонли ва жозибали қилиб тасвирлаши ҳамда ўз шеваидан чиройли йўсинда фойдаланганлиги китобхон қалбига ҳузур бағишлайди. Ёки унинг қуйидаги ҳикоясидаги табиат тасвирига диққат қиладиган бўлсак, **“Иккаламиз ҳам жим, ташқарида шувуллаб ёғаётган ёмғирга қараб ўтирибмиз. Сой соҳилига туман оралапти. Соҳилнинг сўл томони бугдойи куйиб кетган пайкалдай қорайиб кўринади. Унинг устига булутлардан йул-йул зангор чизиклар осилиб тушган. Бора-бора у чизиклар оқарди, қорайиб кўринаётган ерлар ҳам ёришди. Атроф ойдинлашиб, уфқ кенгайиб кетди. Қуюш чикди ”** каби маҳорат билан қаламга олинган жумлаларда ҳам ёзувчининг сўзга қанчалик эътибор берганлиги ҳамда уни ўз ўрнида қўллаганини гувоҳи бўламиз. Ундаги воқеалар кетма-кетликликда бир йўсинда юз беришини ёзувчи тасвирлаб беради. Инсоннинг меҳнат фаолияти унинг табиатга бўлган муносабати асосида яратилади. Инсон табиатга таъсир кўрсатар экан, у меҳнат воситалари ёрдамида табиий муҳитни ўз эҳтиёжларига мослаштиради, ўзининг ашёлар яъни предметлар дунёсини яратади, ўз ҳаёт фаолият шароитларини қайта ишлаб чиқаради. Шундай экан, табиатни бундай тасвирлаб бера оладиган инсон аввало уни ич-ичидан ҳис қила олишга қодир бўлмоғи лозим. Шукур Холмирзаев эса уни ич-ичидан ҳис қилиб, табиат билан бирга дўст тутинган ҳолда иш кўради. Дарҳақиқат Шукур Холмирзаев ўзи ўсиб катта бўлган қишлоқ ҳақида ундаги одамлар шеваларини ҳам ўз асарларида баён қилар экан, бу эса ўз ўрнида асарни янада бадиий қувватини оширади, китобхонни ўзига жалб этади ва бадиий-эстетик дидини ўстиради.

XX аср ўзбек миллий адабиётини Шукур Холмирзаев ижодисиз тасаввур этиш қийин. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев 45 йиллик ижодий фаолияти

давомида ўзбек насри тарихида ўзининг ўчмас изини қолдиргани бизни албатта қувонтиради. У ўзбек ҳикоячилигида ўзига хос бир мактаб яратди. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов Шукур Холмирзаев ҳақида шундай деган эдидар:

“Шукур Холмирзаев ҳақиқатдан Аллоҳ ато этган истеъдод эгаси эди. Унинг феъли атворида ҳам ўзига хослик бор эди, у бошқалардан тамомила ажралиб турар эди. Кўпинча ўзи ёлғиз ҳаёл суриб юрарди, ўша пайтлар ҳам ёзадиган асарларини ўйлаб юрарди, шекилли. Шукур Холмирзаев фақатгина ижод учун туғилган шахс эди, бошқа иш уни мутлақо қизиқтирмасди, у фақат овни яхши кўрарди. У доимо кайфиятидан қатъи ижод отига миниб юрган ҳолда ҳаётда яшади. Мен бундай иродали, фидойи, меҳнаткаш ёзувчини кам кўрганман. Унинг хотираси қалбимиздан абадий жой олди. Йиллар унинг қиёфасини, образини балки узоқлаштириши мумкин, лекин унинг руҳий, маънавий мероси қалбимизда янада яқин бўлиб, биз унинг ижодидан кўп нарса ўргана бошлаймиз, уни қадрлай бошлаймиз...”. Шукур Холмирзаев асарлари бугунги кун ёшларимизни чин маънодаги ҳақиқий бебаҳо бойлигидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шукур Холмирзаев. Танланган асарлари - Т., Шарқ, 2020 – 4-5 бетлар
2. Интернет материаллари
3. Адабиёт энциклопедияси